



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

ҚОРАҚАЛПОҚ КИНОСИ ҚОРАҚАЛПОҚ БАДИЙ МАДАНИЯТИ ТИЗИМИДА

Азиз Аскаров

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти нукус филиали уқтuvчisi

Аннотация:

Бугунги кунда Ўзбекистон кинематографи янада ривож топаётгани баробарида профессионаллик, бадиййлик, эстетик нуқтайи назаридан камчиликлар ва муаммоларга дуч келмоқда. Бунга ғоявий-бадий ва мазмун жиҳатларидан пухта асарларни вужудга келтириш бўйича изланишлар етарлича амалга оширилмаётгани, фильмларнинг тасвирий ва бадий ифода воситалари тўлақонли акс этмаётгани, “устоз-шогирд” анъаналарининг узвийлиги таъминланмаётгани сабаб бўлмоқда. “Ишлаб чиқилаётган кино маҳсулотларининг мафкуравий-бадий даражасининг пастлиги, сценарийнавислик, режиссёрлик ва актёрлик ишларининг лозим даражада сифатли эмаслиги, ёшлар учун маънавий намуна бўлиб хизмат қиладиган бадий образларнинг кўпинча мавжуд эмаслиги ёш авлодни жасорат ва қатъиятлилик руҳида тарбиялаш, ёт “оммавий маданият”га қарши курашиш каби миллий кинематографиянинг асосий мақсадларини амалга ошириш имконини бермаяпти”. “Қорақалпоқфильм” киностудияси фаолиятида ҳам оқсашлар кузатилаётган бўлиб, бунга профессионал кадрларнинг етишмаслиги, ижодкорларда бадий-эстетик тафаккур намоён бўлмаётгани, замон талабига мос моддий-техник база шакллантирилмагани асосий сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан қорақалпоқ киноси тарихи, замонавий ҳолати, хусусиятлари, қорақалпоқ бадий маданиятида кинонин урни, ривожини илмий тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Калит сузлар: Коракалпогистон, бадий фильмлар, кино тарихи, Орол денгизи, коракалпокфильм киностудияси



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хайтматова С., Абулқосимова Х. Ўзбекистон санъати тарихидан: мустақиллик давридаги ўзбек киноси. – Тошкент, 2008.

2. Тешабоев Ж. Узбекское кино: традиции и новаторство. – Ташкент: Изд-во литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1979. – 184 с.

Ўтган аср 80-йиллари охирига келиб, Қорақалпоғистон Республикасида мустақил киностудия очиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар юзага келди. 1989 йилнинг 18 ноябридаги СССР Министрлар Советининг №1003-сонли “Совет кинематографияси фаолиятини бадиий, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан ислоҳ қилиш тўғрисида”ти қарорига ҳамда 1989 йилнинг 16 ноябридаги Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг №10/72-152 сонли хатига, 1990 йилнинг 20 апрелидаги Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг №96/4-сонли қарорига асосан “Тошкент илмий оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси” Қорақалпоғистон филиали базасида Нукус шаҳрида “Қорақалпоғфильм” киностудиясига асос солинди ҳамда киностудия мустақил равишда фаолиятини давом эттирадиган бўлди. Бу ўз навбатида киностудия ижодкорларига кино санъатининг турли йўналишларида эркин ва самарали ижод қилишлари учун кенг имкониятлар яратди.

Юзага келтирилган бундай ижодий имкониятларнинг ilk мевалари сифатида режиссёр Т.Қалимбетовнинг “Тиқин” (1990 й.), режиссёр Б.Низаматдиновнинг “Қайтиш” (1992 й.) қисқа метражли бадиий фильмлари суратга олинди.

А.Султанов сценарийсига асосан бир қатор ҳужжатли фильмлар яратилди. Қорақалпоқ фарзанди Аллаяр Достназаровга бағишлиланган “Элим деган мард киши эди” ҳужжатли фильми, Қорақалпоқ шеърияти намояндадаридан бири бўлган шоир Ж.Аймурзаевга бағишлиланган “Шоир йўли”, эрта сўнган Қорақалпоқ санъати юлдози, эстрада хонандаси З.Хожаназаровага бағишлиланган “Айрилик” фильмлари шулар жумласидан. Экология мавзусига бағишлиланган сценарист ва режиссёр Т.Абдреймовнинг “Дарё қайғуси”, сценарист А.Султанов ва режиссёр Д.Абдумуратовларнинг “Улғайиш фурсати”, афғон уруши ҳақидаги “Асир” фильмлари, сценарист А.Султанов ҳамда сценарист ва режиссёр Т.Қалимбетовларнинг “Кўлларинг тафти”



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

фильмлари ҳам миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини давом эттириди ва қорақалпоқ киноси ривожланишнинг юқори босқичига чиқишига турткі бўлди.

“Улғайиш фурсати” фильми Қорақалпоқ миллитининг миллий урф-одатлари, анъаналари ва тўй маросимлари ҳақида ҳикоя қиласиди. Бу фильм Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган “Фирюзин баҳори-94” Халқаро кинотанловида намойиш этилган ва чет эллик кинематограф усталарининг эътиборини жалб этган, сўнгра “Кумуш ярим ой” Халқаро кинофестиалида иштирок этиш учун таклиф этилган. “Қўлларинг тафти” фильмни эса нукуслик заҳматкаш ўқитувчи Алланияз Утениязовнинг ҳалол меҳнати ва ўқувчи болаларга беқиёс меҳри ҳақида ҳикоя қиласиди. Самимий ва ёрқин кадрларга бой бу фильм ўзининг инсонпарварлик ғоялари билан томошибинлар қалбидан жой олди.

“Қорақалпоқфильм” ижодкорлари фильмларга мавзу танлашда доимо миллий анъаналарга содик қолиб келадилар. От ўргатувчи чавандоз Бекбосин Рамбергенов ҳаёти ҳақидаги “Айсетис”, истеъодли қўбиз созандаси, миллий достонларнинг юксак маҳоратли ижрочиси, бахши Жумабай Базаровнинг ҳаёти ва ижоди хусусидаги “Жиров”, пойгачи тулпор тақдиди ва қишлоқ спорт ўйинлари ҳақидаги “Кокпар” фильмларининг яратилиши ҳам юқоридаги фикрга далил бўла олади. Сценарист А.Султанов ва режиссёр Т.Қалимбетовлар томонидан суратга олинган мазкур фильмлар “Германия кинофоруми”да намойиш этилган. Т.Қалимбетовнинг “Онажоним” фильмни ва “Тулкича” болалар киножурнали Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган республика кинофестиали ҳайъатининг маҳсус мукофотига сазовор бўлган. 2002 йили эса бу режиссёрнинг “Атбеги” кинокартинаси Голландияда халқаро кинофорумда иштирок этган. 2002 йил “Қорақалпоқфильм” ижодий жамоасининг барча аъзолари учун жуда сермаҳсул бўлди. Шу йили “Ўзбекфильм” ва “Қорақалпоқфильм” киностудиялари ҳамкорлигида М.Низановнинг сценарийсига асосан режиссёр Т.Қалимбетов томонидан суратга олинган “Танка” (оператор Д.Абдуллаев) деб номланган тўлиқ метражли бадиий фильми катта экранларга чиқди.



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

Фильмда неварасини нуфузли олийгоҳлардан бирига ўқишга киритмоқчи бўлиб юрган Шамурат ота маҳалладошлари билан сухбат чоғида бугунги кунда олий ўқув юртига ўқишга кириш учун катта пул ёки мансабдор таниш, яъни замонавий халқ тили билан айтганда “танка” кераклигини эшишиб қолади. Аввалига бу нарсага унчалик ҳам тушуммаган Шамурат ота ахийри ўзига ана шундай “танка” қидиришга киришади. У бир куни телевидение орқали Қорақалпоғистоннинг энг машҳур санъаткорларидан бирини кўриб қолади ва уни қидириб топиш учун шаҳарга йўл олади. Фильмда Шамурат отанинг “танка” қидириш илинжида шаҳарда бошидан кечирган саргузаштлари юморга бой тарзда, сатирик рухда ҳикоя қилинади.

Бу “Қорақалпоғфильм” киностудияси ижодкорлари томонидан яратилган илк тўлиқ метражли бадиий фильм эди. У ижтимоий тусдаги сюжет воқеаларининг қизиқарлилиги, характерларнинг самимийлиги, экран образини ишлаб чиқишида қунт билан ёндашилгани сабабли Ўзбекистон халқига манзур бўлди. 2000 йилларга келиб Қорақалпоқ миллий кино соҳасида кескин бурилиш ясалди. 2004 йилнинг 16 марта давлат раҳбарининг ПФ-3407-сон “Кинематография соҳасини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони¹ қабул қилинди ва унга асосан Ўзбекистондаги барча кино соҳасидаги ташкилотларнинг моддий-техник базаси тўлиқ янгиланди. Шу жумладан, “Қорақалпоғфильм” киностудияси ҳам умумий баҳоси 52 млн. сўмлик рақамли видеокамералар ва монтаж столлари билан жиҳозланди. Бу эса ўз навбатида ижодкорларга янада самарали ижод қилишлари учун кенг имкониятлар берди.

Давлат раҳбарияти томонидан кўрсатилган эътибор киностудияда яратилаётган фильмларнинг жанрлар кўламини кенгайтиришга, уларни нафақат сон, балки сифат жиҳатдан янги босқичга қўтаришга имкон берди. Натижада 2004 йилдан эътиборан 7-8 та эмас, 15-20 тагача ҳужжатли, этнографик ва қисқа метражли бадиий фильмлар яратила бошланди.

Шу йилларда Т.Қалимбетовнинг муаллиф ва режиссёrlигида яратилган “Отбеги”, “Қудук” фильмлари ҳамдўстлик ва чет эл мамлакатлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2004 йил 16 мартағи ПФ-3407-сон “Кинематография соҳасини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. – Тошкент: 2004, 17 март.



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

кинофестиваларида қатнашиб, катта муваффақиятга эришди. Бу фильмлар Европа мамлакатларидаги хужжатли фильмлар Халқаро кинофестивалида ҳам иштирок этди.

“Илм осмонининг ўлдузи”, “Хэўжар”, “Беташар”, “Нама алиспақ” (сценарий муаллифи ва режиссёр Д.Абдимуратов), “Отжағар” (Ўтёқар), “Чўгирма” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёр Б.Баймурзаев), “Олакўз”, “Миздакхон”, “Гулдурсин”, “Тулимشاқ”, “Кўк кўйлак” (сценарий муаллифи ва режиссёр Л.Ахимбетова) хужжатли фильмлари, шу билан бирга, “Менинг байроғим”, “Хуқуқингни биласанми?”, “Менинг низомим” каби ўқув-методик фильмлари, илмий-оммабоп ва публицистик услубда яратилган “Қара доктор”, “Сур”, “Биринчи қалдирғоч”, “Дутор забони” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёrlар Д.Абдимуратов, Л.Ахимбетова) фильмлари замонавий даврдаги энг долзарб масалаларга бағишиланган фильмлар сифатида эътиборлидир.

Бундан ташқари, 2006 йилда “Қорақалпоқфильм” киностудияси тарихида илк бора “Ериншек” деб номланган анимацион фильм яратилди. Кейинчалик уларнинг сони ортиб, “Қашқир ҳам тулки” (2007 й.), “Сахий шаҳзода” (2008 й.) анимацион фильмлари яратилди. Улар киностудиянинг анимацион фильмлар юзага келтириш бўйича катта салоҳиятга эгалигини кўрсатди.

Киностудияда болаларга бағишиланган фильмлар яратишга ҳам эътибор қаратилмоқда. “Тулкича” юмористик киножурналининг бир неча сонлари яратилган бўлиб, бутунги кунда ҳам бу киножурналнинг янги қисмларини яратиш устида ишлар олиб борилмоқда.

2009 йилда биринчи марта “Қорақалпоқфильм” киностудияси ўз техник имкониятларидан фойдаланган ҳолда мустақил равишда “Ўғри” деб номланган тўлиқ метражли бадиий фильмни суратга олди. Фильм республика жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

“Ўғри” бадиий фильми “Қорақалпоқфильм” киностудияси томонидан яратилган фильмлар ичida (бошқаларига нисбатан) сифати билан ажralиб туради. У 2008 йили комедия жанрида суратга олинган. Унинг сценарийси томошабоп ва қизиқарлилиги жиҳатларидан мутахассис ва томошабинларга кўпроқ манзур бўлди.



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

“Ўғри” фильмни Қорақалпоғистон кино санъати тарихида янги саҳифани очиб берди. Илк бор тўлиқ метражли бадиий фильмнинг яратилиш жараёни сценарий ёзишдан монтаж ва овозлаштириш жараёнигача тўлиқлигича “Қорақалпоғфильм” киностудияси томонидан амалга оширилди. Киностудиянинг унгача суратга олинган фильмларни яратиш жараёнида Тошкентдан таклиф қилинган режиссёrlар, операторлар, техник соҳа вакиллари иштирок этган эди. Киностудия ижодкорлари фильм монтажи, уни овозлаштириш, унга мусиқа ва шовқин безакларини бериш ишини Тошкентда амалга ошириди. 2008 йилдан бошлаб эса студиянинг анча мустаҳкамланган моддий-техник базаси ҳамда сотиб олинган янги техник воситалар сабабли бу жараёнларнинг барчасини Нукус шаҳрининг ўзида амалга ошириш имконияти туғилди.

Аввалги фильм муваффақиятидан руҳланган ижодкорлар 2008 йилнинг ўзида яна бир бадиий фильм – “Курорт” фильмини суратга олдилар. Бу фильм киностудиянинг 40 йиллик фаолияти давомида эришилган тарихий ютуғи бўлди.

2006 йил хам “Қорақалпоғфильм” киностудияси ижодкорлари учун анча сермаҳсул бўлди. Студия “Ўзбекфильм” киностудияси ижодкорлари билан ҳамкорликда “Қиз ва қуёш” номли бир қисмли қисқа метражли бадиий видеофильмни суратга олдилар. Сценарий муаллифи ва режиссёр Элжон Аббасовнинг нукуслик киноижодкорлар билан илк ва омадли ҳамкорлиги сифатида яратилган бу фильм “Ўзбекфильм” киностудиясининг истеъдодли кинооператори Ринат Галиев томонидан суратга олинди. Фильм муҳаррири сифатида О.Байлепесов ишлаган бўлса, картина директори П.Утебаев бўлди. Фильмда кичик ёшдаги қизалоқнинг борлиқ оламга, табиатга, жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисотларга бўлган болаларча муносабати, турли болалик хаёллари қуёш шуъласи унинг кун давомида уфқда эгаллайдиган турли фазалари мисолида фантастик усулда очиб берилади. Фильм Қорақалпоғистоннинг бир неча туманларида ва Хоразм вилоятининг сўлим гўшалари, хусусан, Хива шаҳрининг гўзал ва мафтункор обидалари қўйнида суратга олинган.



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

2006 йилда яратылган яна бир эътиборга молик бўлган фильм сценарий муаллифи ва режиссёр Л.Ахимбетованинг “Кўк кўйлак” бир қисмли этнографик фильмидир. У истеъдодли ёш кинооператор Б.Дилмуратов томонидан суратга олинган бўлиб, муҳаррири О.Байлепесов, картина директори П.Утебаев ҳисобланади. Фильмда Қорақалпоқ қизларининг энг асосий кийими бўлган кўк кўйлак, уни тикиш усувлари ва шу орқали қорақалпоқ хотин-қизларининг миллий кийимлари, халқнинг урф-одатлари ҳақида сўз юритилади.

Шу йили юкорида тўхталиб ўтилган фильмлардан ташқари, бошقا қатор фильмлар экран юзини кўрди. “Дунёқараш” бир қисмли ҳужжатли фильм (сценарий муаллифи А.Султанов, режиссёр Т.Қалимбетов, оператор Р.Галлиев, муҳаррир О.Байлепесов, картина директори П.Утебаев), “Ҳаким ота” бир қисмли ҳужжатли фильм (сценарий муаллифи В.Ембергенов, режиссёр ва оператор Д.Абдуллаев, муҳаррир О.Байлепесов, картина директори П.Утебаев), “Олтин мерос” ҳужжатли фильм (сценарий муаллифи ва режиссёр Т.Қалимбетов, оператор Э.Мамедов, муҳаррир О.Байлепесов, картина директори П.Утебаев), “Гаштак” икки бўлимли этнографик видеофильми (сценарий муаллифи Д.Абдимуратов, режиссёр Б.Баймурзаев, оператор А.Аскаров, муҳаррир О.Байлепесов, картина директори П.Утебаев), “Қиз бахши” бир қисмли ҳужжатли видеофильми (сценарий муаллифи ва режиссёр Л.Ахимбетова, оператор А.Аскаров, муҳаррир О.Байлепесов, картина директори П.Утебаев), “Бўсағадан бошланар Ватан” икки қисмли ҳужжатли видеофильми (сценарий муаллифи Ш.Уснатдинов, режиссёр Д.Абдуллаев, оператор Б.Дилмуратов, муҳаррир О.Байлепесов, картина директори П.Утебаев, “Сувлар баландлардан ирмоқ олади” икки қисмли ҳужжатли видеофильми (сценарий муаллифи М.Таўмуратов, режиссер Д.Абдуллаев, оператор Б.Дилмуратов, муҳаррир О.Байлепесов, картина директори П.Утебаев) кабилар шулар жумласидандир.

Мазкур фильмлар орасида “Дунёқараш” фильмида қария балиқчининг ёшлиқ пайтлари хотираларига параллель равишда у балиқ овлаб юрган пайтлардаги Орол денгизи билан бугунги экологик жиҳатдан танг аҳволдаги Орол билан таққосланади, шу аснода қариянинг ёруғ келажакка бўлган орзу-умидлари



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

баён этилади. Фильмда майший-ижтимоий омиллар ортидаги глобал муаммо поэтик услугда томошабинга етказилган. “Ҳаким ота” фильмида эса Ҳожа-Аҳмад Яссавийнинг шогирди Сулаймон Бакирғонийнинг ҳаёти, фаолияти ва бугунги кунгача етиб келган авлодлари ҳақида сўз юритилади. Унда нақадар улуғ аждодларимиз борлиги ва улар билан доимо фахрланиб, улардан намуна олиб яшаш лозимлиги ҳақида бонг урилади.

Студия томонидан яратилган “Олтин мерос” ҳужжатли кинофильми эса юртимизнинг бой тарихий мероси, республиканинг ўлкашунослик музейида жамланган бебаҳо ва тарихий экспонатларга бағишиланган. “Гаштак” этнографик видеофильми қорақалпоқ қиз-йигитларининг Гаштак аталмиш тадбири, унда ёшларнинг жамланиб ўтиришлари, бу тадбирда бўладиган ҳазил-мутойибалар, чой ичиш маросимлари ҳақида ҳикоя қиласи. “Қиз бахши” ҳужжатли видеофильми эса Қиз бахши номини олган ва буюк қорақалпоқ адаби Бердақнинг қизи бўлган Ҳурлиманнын Берман бахшидан қолган қимматли меросга, ҳозирги кунда ана шу меросни давом эттириб, келажак авлодга ҳам ўргатиб келаётган истеъододли ёш ижодкорлардан бири “Мухаллес” ансамблининг қўшиқчиси Гулнара Алламбергеновага бағишиланган.

“Бўсағадан бошланар Ватаан” видеофильмida Қорақалпоғистон Республикасининг мустақилликка эришган кундан бошлаб бугунги кунгача барча соҳаларда эришилган ютуқлар, олиб борилган ислоҳотлар ҳақида сўз юритилади. Мазкур фильм нафақат информацион характери, балки ижтимоий юки билан қадрли.

“Сувлар баландлардан ирмоқ олади” ҳужжатли видеофильмida Амударёning кичик ирмоқларидан бошлаб, унинг Орол дengизига қўйилиш ирмоғигача бўлган оралиғидаги сувнинг микдори, унинг оқими, ифлосланиш даражаси тадқиқотчиларнинг илмий хуносаларига асосланган ҳолда очиб берилган. “Қорақалпоқ ҳақида сўз” икки қисмли ҳужжатли видеофильмда эса (сцен. муаллифи А.Ўтениязова, режиссёр Д.Абдимуратов, оператор А.Асқаров, муҳаррир О.Байлепесов, картина директори П.Утебаев) қорақалпоқ халқининг пайдо бўлиши ва халқ сифатида жипслashiш жараёни, XX асрнинг бошларидан XXI асргacha бўлган даврдаги тарихий жараёнлар,



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

кичик бўлса-да, миллий давлатчилик тузумининг шаклланиши ҳақида фикр юритилган.

Киностудия томонидан 2006 йилда экологик муаммоларга бағишлиланган “Мўйноққа ғоз келди” фильмси, “Қўчқорбоз”, “Олти қиз” каби икки қисмдан иборат видеофильмлари, “Тулкича” болалар ҳажвий киножурналиниң 1-, 2-, 3-қисмлари, “Бахт низоми”, “Она тилим, сени бошқасига алишмам”, “Менинг байроғим”, “Қорақалпоқларни кимлар бошқарган?” каби мактаб, лицей, коллеж ўқувчиларига ўқиш жараёнида фойдаланишга мўлжалланган ўқув-методик фильмлар тасвирга олинди.

“Қорақалпоқфильм” киностудияси томонидан 2007 йилда тематик режа бўйича 20 та фильм ишлаши назарда тутилган бўлиб, унга кўра режалаштирилган фильмларнинг аксарияти йилнинг биринчи чорагида тасвирга олинди. Булар орасида қорақалпоқ мусиқа санъатининг ёрқин юлдузи, бастакор Қодир Хилоловнинг хотирасига бағишлиланган “Оққан юлдуз”, Республика “Бадай” ўрмонининг қўриқхонасида сақланаётган буғулар ҳамда уларни ем-хашак ва сув билан таъминловчи Уснатдин ва Володя исмли ходимларнинг тақдери акс эттирилган “Фақатгина иккаласи”, Марказий Осиёдаги энг катта қурилиш лойиҳаси бўлган Кўнғирот сода заводининг қурилишига бағишлиланган “Аср қурилиши”, Қорақалпоқ миллий мусиқа санъатига бағишлиланган “Созлар жилоси” ҳужжатли видеофильмлари, шу билан бирга, “Бўри ва тулки” бир қисмли мультфильми, “Қорақалпоқ достонлари” икки қисмли ҳужжатли видеофильми, “Ипак йўли”, “Қадимий ва навқирон Эллик”, “Олакўз”, “Хомтама”, “Аяберган Мусаев”, “Қиссаҳонлар”, “Илм-фан даргоҳи” ҳужжатли фильмлари, “Ойтовоқ” миллий-этнографик фильми, “Менинг пойтахтим”, “Спорт маликаси”, “Халқ донолиги” ҳужжатли кинофильмлари, “Тулкича” болалар юмористик киножурналиниң 2 та сони ва бошқа кино ҳамда видеофильмларни алоҳида таъкидлаш ўринли.

“Қорақалпоқфильм” киностудияси 2008 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти Зинел Пиязовнинг ҳаёти ва ижодига бағишлиланган “Актёрлар оиласи”, тарихий мавзудаги “Миздакхон”, миллий хунармандчилик анъаналарига бағишлиланган “Темирчининг бахти”, миллий қўшиқчилик мактаблари ҳақида ҳикоя қилувчи “Мухаллес” ва шу каби



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

умумий ҳисобда 16 та турли мавзу ва жанрлардаги фильмларни тасвирга олишга муваффақ бўлдилар.

Киностудия ижодкорлари томонидан 2009 йилда ҳам турли жанрлардаги фильмлар суратга олинди. “Қорақалпоқфильм” киностудияси давлат корхонаси 2009 йилда тематик режа бўйича “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмаси асосида 12 та хужжатли фильм ва 2 та бадиий фильмларни тўлиқ бюджет ва ярим бюджет, ярим ҳомийлар маблағлари ҳисобига ишлаб чиқариши назарда тутилган эди. Йил давомида режалаштирилган фильмларнинг барчаси тўлиқ тасвирга олинди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан 2009 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Чимбой дехқончилик илмий текшириш институти тўғрисида “Фан – қишлоқ хўжалигига” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёр Л.Ахимбетова, оператор Б.Дилмуродов) номли хужжатли фильм тасвирга олинди, шунингдек “Меҳр нури” (сценарий муаллифи ва режиссёри Б.Боймурзаев, оператор Б.Дилмуродов), “Маориф қалдирғочи” (сценарий муаллифи ва режиссёри Т.Қалимбетов, оператор Н.Дилмуродов), “Менинг йигит вақтим” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёр Б.Низаматдинов, оператор Н.Дилмуродов), Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида “Ўзбекистон қаҳрамони” юксак унвонига сазовор бўлган археолог Файратдин Хўжаниязов ҳақида “Асрларни кавлаган олим” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёр Л.Ахимбетова, оператор Б.Дилмуродов) фильмлари, республикамиз ҳудудидаги Султан Вайсбобо мақбараси ҳақидаги “Муқаддас қадамжо” номли (сценарий муаллифи F.Шермуҳаммад, режиссёр Б.Боймурзаев, оператор Н.Дилмуродов) хужжатли фильми каби бир қатор экран асарлари тасвирга олинди. Яратилган фильмларнинг барчаси Қорақалпоғистон телевидениесида намойиш этилди.

2010 йили киностудия томонидан 1 та бадиий фильм, 7 та хужжатли ва видеофильмлар тасвирга олинди ва томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Хужжатли фильмлар орасида умрини санъатга бахшида қилган аёлларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги “Булбул” (сценарий муалифлари М.Низанов, А.Бекбергенова, режиссёр Б.Боймирзаев, оператор Н.Дилмуродов) ва “Саҳна



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

онахонлари” (сценарий муаллифи ва режиссёр Б.Баймурзаев, оператор А.Асқаров) фильмлари эътиборга молик. “Булбул” фильмида Ўзбекистон Қорақалпоғистон артисти Орзигул Отамуродовага, “Сахна онахонлари”да эса Сулув Алламуратова, Сапаргул Авезова, Ўразгул Давлетова, Маржон Халмуратова, Заўре Сайповалар тўғрисида сўз боради. 2010-2011 йилларда қорақалпоқ киностудияси ижодкорлари Орол денгизи билан боғлиқ глобал муаммоларга алоҳида эътибор қаратдилар. Мазкур муаммо атроф-муҳитга қанчалик катта талофатлар етказаётгани, унинг ечими устида изланмаса, ҳали янада аянчли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги хусусида киноижодкорлар бонг урдилар. 2010 йили ишланган “Дарё денгизга қуйилмоғи лозим” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёр Т.Қалимбетов, оператор Н.Дилмуродов) ва 2011 йили суратга олинган “Орол яшаши лозим” (сценарий муаллифлари Т.Қалимбетов, А.Ақназаров, режиссёр Т.Қалимбетов, оператор Н.Дилмуродов) ҳужжатли фильмлари шулар жумласидан.

2011 йили суратга олинган қатор фильмлар орасида 2 та бадиий фильмларни таъкидлаш ўринли. Уларнинг бири “Ешан бахши” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёrlар Б.Баймурзаев, Б.Низаматдинов, операторлар Б.Дилмуродов, А.Асқаров) деб номланиб, Ўзбекистон ҳалқ артисти, Қорақалпоғистон бахшичилик санъати ривожига катта ҳисса қўшган улкан санъаткор Ешан Қусболатовнинг ҳаётий ва ижодий фаолиятига бағишлиланган. Фильм сюжети XX аср бошларидан то 1953 йилгача бўлган даврдаги воқеаларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, бош қаҳрамон дуч келган турли муаммолар ва зиддиятлар кескин конфликтлар ёрдамида очиб берилади. “Қайсар” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёр Б.Баймурзаев, оператор А.Асқаров) бадиий фильмида эса шиҷоатли, тиришқоқ, доимо эзгу мақсадлар сари интилувчи инсон Соғинбой образи гавдаланади. У турли машаққатлар ва синовларни енгиб ўтиб, ўз мақсадига эришади – фермер хўжалигини ташкил этади. Мазкур фильм қорақалпоқ инсонлари табиатига хос бўлган меҳнатсеварлик, серғайратлик, журъатлилик фазилатларини улуғлайди.

Қорақалпоқ киностудияси бадиий фильмларни суратга олиш бўйича сўнгги 10 йиллик ичida ижобий ютуқларга эришди, ривожланиш томон сезиларли силжиш кузатилди. Улар орасида “Мехригиё” (сценарий муаллифи



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

М.Низанов, режиссёрлар Б.Баймурзаев, А.Ғаниев, оператор А.Асқаров), “Қўрғон” (сценарий муаллифлари М.Низанов, Ш.Ғиёсов, режиссёр А.Ғаниев, оператор А.Арзикулов), “Устюрга йўл” (сценарий муаллифлари Г.Матъяқубова, А.Йулдашев, Ф.Шермуҳаммад, режиссёр А.Ғаниев, оператор А.Арзикулов), “Тенгиз” (сценарий муаллифлари Ф.Шермуҳаммад, Ш. Ризаев, режиссёр М.Абдухаликов) ва бошқа бадиий фильмларни алоҳида таъкидлаш ўринли.

2012 йили катта экранларга чиққан “Мехригиё” бадиий фильмида тошкентлик ва нукуслик икки ёш ўртасидаги муҳаббат орқали ўзбек ҳамда қорақалпоқ халқлари орасидаги муштарақлик хусусида сўз боради. Мелодрама жанридаги мазкур фильмда икки хил қарашга эга инсонларнинг ўзаро тушунмовчилиги билан боғлиқ конфликтлар соф туйғулар ёрдамида ҳал этилган.

2018 йили суратга олинган “Устюрга йўл”, 2020 йили яратилган “Тенгиз” бадиий фильмлари бадиий яхлит киноасарлар сифатида мутахассис ва томошабинларнинг эътиборини қозонди. “Устюрга йўл” фильмида Кўнғирот туманидаги Устюрга газ-кимё саноати мажмуаси қурилиши жараёнлари фонида янгича фикрлайдиган, изланувчан ва ташаббускор ёшлар ҳаёти йирик планда ифодаланган бўлса, “Тенгиз”да бир аёлнинг ибратли умри, ҳаётнинг оғир синовларига ирода ва матонат билан курашган инсон тақдирни Мўйинок туманидаги кенг бунёдкорлик ишлари билан уйғун ҳолда акс этди.

Сўнгги ўн йилликда Қорақалпоқ киностудияси ижодкорлари қатор ҳужжатли фильмларни ҳам юзага чиқардилар. Хусусан, Қорақалпоғистоннинг турли соҳаларда улкан ютуқларга эришиб келаётган фарзандлари ҳақидаги “Миллатимиз фахри” (сценарий муаллифи ва режиссёр Б.Баймурзаев, оператор А.Асқаров), “Қорақалпоқ санъати сардори” (сценарий муаллифи Б.Ерназаров, режиссёр Б.Баймурзаев, оператор Б.Дилмуратов), “Мехр” (сценарий муаллифи Г.Тажетдинова, режиссёр Т.Қалимбетов, оператор А.Асқаров), “Зийўарнинг ширин забони” (сценарий муаллифи А.Султанов), “Орол фарзанди” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёр Б.Баймурзаев, оператор Асенбай Асқаров), “Қалби дарё инсон” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёр Б.Баймурзаев, оператор Асенбай Асқаров), “Тил илмининг султони” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёр Б.Баймурзаев,



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

оператор Асенбай Асқаров), қорақалпоқ халқи тарихи, анъаналари ва қадриятлари хусусидаги “Олис аждодлардан мерос” (сценарий муаллифи ва режиссёр Т.Қалимбетов, оператор А.Асқаров), “Бешік түйі” (сценарий муаллифи А.Ақназаров, режиссёр Л.Ахимбетова, тасвирчи Б.Дилмуратов), “Бир актёр театри. Жировчилік мактаби” (сценарий муаллифи ва режиссёр Б.Баймурзаев, оператор Асенбай Асқаров), юртнинг бугунги кундаги тараққиёти ифодаланған “Равнақ йүлида” (сценарий муаллифи М.Хұжаев, режиссёр Т.Қалимбетов, оператор А.Асқаров), “Аср мұйжизаси” (сценарий муаллифи F.Әшмуродов, режиссёр А.Ғаниев, оператор А.Арзиқулов), “Пойтахт шаҳрим – Нукусим” (сценарий муаллифи Б.Мадияров, режиссёр Т.Қалимбетов, оператор Асенбай Асқаров), илмий-оммабоп йұналишдаги “Термитлар” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёр Б.Баймурзаев, оператор А.Асқаров), “Балиқчи” (сценарий муаллифи Б.Мадияров, режиссёр А.Қалимбетов, оператор Азиз Асқаров), Қорақалпоқ заминида барпо этилган дунёга машхұр Савицкий музейи түгристердеги “Санъатнинг бебақо хазинаси” (сценарий муаллифлари М.Бабаназарова, Г.Тажетдинова, режиссёр Т.Қалимбетов, оператор Азиз Асқаров), Қорақалпоқ маскани табиати ва қадимий ёдгорликлари тасвирланған “Қоратоғ сирлари” (сценарий муаллифи ва режиссёр Б.Баймурзаев, оператор Асенбай Асқаров), “Жампик қалъа” (сценарий муаллифи F.Хұжаниязов, режиссёр Т.Қалимбетов, оператор Азиз Асқаров) ва бошқа күплөгө фильмдер Қорақалпоғистон кинематографи вакилларининг ижод маңсулы ҳисобланади.

Мазкур хужжатли фильмдер орасыда 2017 йили суратта олинған “Йўлбарснинг юрагини еган қиз” (сценарий муаллифи М.Низанов, режиссёр Б.Баймурзаев, оператор Азиз Асқаров) фильмі таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Унда мўйноқлик Манзура исмли қизнинг қисмати ҳақида сўз боради. Тақдир тақозоси билан унинг бир қўли ва бир оёғи йўқ. Шунга қарамай, у тикувчилик хунари билан катта муваффақиятларга эришган, бунинг устига цех очиб, 20 нафар тенгдошларини иш билан таъминлаган жасур, меҳнатсевар, ишбилармон қиз. Шунинг учун ҳам у “Жасорат” медали билан тақдирланған. Ижодкорлар фильм қаҳрамони Манзура орқали сабр-у қаноат, матонат, метин иродали инсон образини экранда гавдалантира олган.



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

“Қоратоғ сирлари” ҳужжатли фильмі Қорақалпоқ ўлкасининг гўзал ва бетакрор табиати, шу билан бирга, синоатли тарихини тасвирлаган. Нукус шаҳридан 80 чақирим жанубий-шарқда Султон Вайс тоғ тизмалари жойлашган. Республика ахолиси уни Қоратоғ деб атайди. Тоғ турли хил конларга бой. Олимлар Султан Вайс тоғ тизмаларини геологларнинг ер устидаги очиқ музейи деб аташгани бежиз эмас. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг маҳбуслар шу ерга олиб келиниб, тоғнинг тошларидан қурилган 6-7 камерали қамоқхонага жойлаштирилган, қамоқхонанинг ёнига қурилган морг ҳалигача сақланиб қолган. Тоғнинг қўриқхона қисмида Юра даврига тегишли жонзотларнинг суюк қолдиқлари аниқланган. Қорақалпоғистондаги какликлар фақат шу тоғ тизмаларидаги Каклик тоғ деб номланган ерида қолган. Ўрисой деб номланган 16 км га чўзилган сойда Урал, Донбасс, Тянь-Шань тоғлари бирлашади. Фильмда Қоратоғнинг ҳали оммага маълум бўлмаган сирлари хусусида сўз юритилади.